



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 25 январь, жума № 15 (1232)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кекса фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатишни ошириш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ва 2002 йил Ўзбекистон Республикасида «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тасдиқлансин. Дастур кексаларни қадрлашдан иборат ҳалқимизга хос асрий анъаналарни, оилаларда тинчлик ва тотувилик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга уларнинг қўшаётган муносиб ҳиссасини ёритиш ва тарғиб қилишда, улардан тарбиявий мақсадларда фойдаланишда оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ролинни оширишга;
2. кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг пенсия таъминотини такомиллаштириш, tibий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришга;
3. ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришга, уларнинг дори-дармонлар ва ижтимоий хизмат кўрсатиш билан таъминлашни даражасини оширишга;
4. жамиятни тубдан ўзгартиришда, соғлом авлодни тарбиялашда, бой касбий ва ҳаётий тажрибанинг, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг узвийлиги ва уларни ёшларга етказишда кексаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашга;
5. болалар ва ёшларни ота-оналар ҳамда кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, қадрлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш ва таълим бериш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.
6. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг тadbирлари республика бюджет ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар, бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
7. Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик тузилмалари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Давлат дастурининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, кекса авлодга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концерн-

лар, корпорациялар ва компаниялар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари.

«Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури амалга оширилишини ўз мажлисларида манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда ҳар чоракда кўриб чиқсинлар;

ҳар чорак якунлари бўйича Давлат дастури топшириқларининг ҳисобот дaврида амалга оширилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий ахборотни йил чорагидан кейинги ойнанинг 5-кўнигача Республика комиссиясига тақдим этсинлар.

5. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 декабрдаги Ф-1494-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси, зарурият бўлганда, Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича дастурий чора-тадбирларнинг рўйбга чиқарилишини назорат қилишни ва жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганишни таъминлаш учун олимлар, амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари-дан иборат ишчи гуруҳлар тuzсин. Давлат дастурининг бажарилиши 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш учун қиритилсин.

6. Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Давлат дастури бажарилиш учун масъул бўлган барча шахслар Дастурининг асосий вазифаси - унинг йўналишлари ва қондаларида назарда тутилган барча тadbирлар пировард натижада ҳар бир пенсионернинг, кекса авлод кишиларининг турмуш шароитлари, соғлиги ва кайфиятида ижобий акс этиши заруриятини чуқур тушуниб олсинлар ва бу тadbирларнинг амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Давлат матбуот қўмитаси, «Узтелевидео» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунирилишини, уларнинг турли даражаларда амалга оширилишини ва натижалари ёритилишини таъминласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. ҚАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 январь



КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР АСОСИДА

Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилган кун арафасида турибмиз. Пойтахтимизнинг Катта бог маҳалла фуқаролар йиғини клуби қошидаги 504-референдум участкасида ҳам катта ташкилий-тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Мазкур сиёсий тadbирда иштирок этувчиларнинг рўйхати вақтида тахт қилинди.

Участкамизда 1935 нафар фуқаро овоз бериши кузда тутилган, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ахрор Дадамухамедов. - 15 кишилик комиссия аъзоларидан иборат навбатчилик ташкил этилган бўлиб, аҳолидан тушган барча саволларга мунтазам жавоб қайтарилмоқда. Таъкидлаш керакки, одамларимизнинг кайфияти баланд. Ешу қари бир ёқадан бош чиқариб умумхалқ маслаҳатига жиспикда тайёргарлик кўрдилар. Туман хокимлиги вакиллари ҳар кун участкага келиб, референдумни юксак савияда ўтказиш масалаларига бағишланган тadbирларни ташкил этмоқдалар.

М. УРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

27 январь — умумхалқ референдуми кун



«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун республикаимиз мустақиллигига эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки муҳим ҳужжатлардан биридир. Унда бошқа омилар катори халқ хоҳиши-иродасини ҳисобга олиб, ўта муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш халқ ҳокимиятичилигининг энг устувор белгиларидан бири сифатида ўз ифодасини топган.

Бирок, ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, давр олдимиизга қўяётган ўта муҳим талаблар, қолаверса, одамлар тафаккури, дунёқарашидаги туб ўзгаришлар референдум тўғрисидаги қонунни янги тахрирда қабул қилиш заруратини ўртага қўйди. Олий Мажлис қарори билан бу иш амалга ошган, ҳуқуқ мёр-ёвларига тўла мос келадиган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Бу билан халққа долзарб, ўта ҳаётимасалалар юзасидан ўз фикрини очиқ-ойдин изҳор этиш учун катта имкониятлар яратилди.

Биламизки, парламентаризм гоёси ўрта асрларда халқ мажлислари тарзида бўлган. Совет даврида Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида том маънода қонун чиқарувчи парламент бўлмаган. У даврда бошқарув, халқ тақдирини компартия қарорлари билан амалга оширилган. Бунинг оқибати нималарга олиб келганлиги ҳаммамизга маълум. Парламент тарихи узок асрларга бориб тақалади. Даврлар ўзгариши билан парламентнинг моҳияти илғор гоёлар, тамойиллар билан бойиб борди. Уринли савол туғилиши мумкин: нима сабабдан айнан бугунги кунда парламент ислохотларини бошлашга жазм қилинди?

Омилар кўп, улاردан айримлари шу, мамлакатимизда Президент томонидан ишлаб чиқилган, республикамиз ривожланишининг ўзига хос томонларидан бири ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишидир. Шу аснода Олий Мажлис ҳам тегишли босқичларни босиб ўтди ва ҳозирга келиб жамиятимизда муносиб даврга эга бўлди. Энг муҳими, парламентаризм мафку-

БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

Термиз шаҳар «Иқтисодиёт» коллежида умумхалқ референдумини ўтказувчи 568-участка комиссияси жойлашган. Бу ерда худуддаги 1300 нафар фуқаро овоз бериш сифатида рўйхатга олинди. Уларнинг 12 нафари биринчи марта овоз берадилар. Кун кеча бир гуруҳ мутахассислар мазкур участкада бўлишиб, овоз беришчилар билан давра суҳбати ўтказишди. Урашувда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Рустам Хамроев, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати етакчи мутахассиси Бахриддин Мелиев, Термиз Давлат университети доценти Юсуф Валикулов, «Гулистон» маҳалла кўмитаси раиси Бекмурод Ашуровлар референдумнинг моҳияти, икки палатали парламентга оид саволларга жавоб бердилар.

Референдумда биринчилардан бўлиб овоз беришни ниёт қилган Абдумалик ота Бадилов ўз фикрларини билдириб, ҳаммани бу сиёсий тadbирда фаол иштирок этишга чақирди. Референдум ўтказиш жойи қонун-қондаларга мос ҳолда жиҳозланди. Овоз беришчилар учун барча шароитлар муҳайё этилди.

**Р. ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.**

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҲАҚИЯТ

Шайхонтоҳур туманидаги Ҳаким Мусаев номи мактабда жойлашган 494-референдум участкасида иш қизгин. Кун-кеча бу ерга Каттаҳовуз, Обиназар, Сархумдон маҳаллалари аҳолисининг 250 нафардан ортиқ вакиллари тўпланишди. Участка комиссияси раиси, тажриба-техника заводининг директори Камол Шобурхонов сиёсий тadbирнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Йиғилишда Сархумдон маҳалласининг оқсоқоли Маҳмуд Рашидов, Каттаҳовуз маҳалласи фаоли Қозим Қаримов, моҳир педагог Муҳайё Обидова сўзга чиқиб, бу катта умумхалқ тadbирини хусусида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Мазкур участка бўйича 3004 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Улар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда маҳалла зиёлиларидан 15 киши фаоллик кўрсатяпти.

М. ИСАЕВА.

ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ

раси мустаҳкам қарор топди. Бу демок, профессионал парламентнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун шароит юзага келди. Шу боис, 2002 йил 27 январда ўтказиладиган умумхалқ референдумини бири иккинчисини тақозо этувчи икки масала бўйича халқимиз ўз муносабатини билдириши сўралмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси референдуми - миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи» қитобида таъкидланганича, икки палатали тизим илк бор XIII асрнинг охирида Англияда пайдо бўлган. Ҳуқуқшуносларнинг кўпчилиги айнан шу тизимни ёқлашди. Чунки, икки палатали тизимда жамоатчилик манфаатлари анча кенг намоён бўлади. Ҳаёт кўрсатдики, парламентаризмнинг қарор топишда мураккаб жараёнлиги, Бевосита унда алоҳида омилар билан парламентнинг моҳияти илғор гоёлар, тамойиллар билан бойиб борди. Уринли савол туғилиши мумкин: нима сабабдан айнан бугунги кунда парламент ислохотларини бошлашга жазм қилинди?

Омилар кўп, улاردан айримлари шу, мамлакатимизда Президент томонидан ишлаб чиқилган, республикамиз ривожланишининг ўзига хос томонларидан бири ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишидир. Шу аснода Олий Мажлис ҳам тегишли босқичларни босиб ўтди ва ҳозирга келиб жамиятимизда муносиб даврга эга бўлди. Энг муҳими, парламентаризм мафку-

рата бўлиб, фақат доимий асосда ишловчи депутатлардан таркиб топишини таъкидлаганди. Юқори палата эса бевосита сайловчиларнинг манфаатларини эмас, энг аввало, худудларнинг манфаатларини ифода этади.

Умумхалқ референдуми кўп миллатли халқимизни ҳақиқий ҳуқуқий демократик давлат қуришга сафарбар этувчи ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Фуқаролар билан мулоқотлар, тахририятимизга келиётган кўпма кўп хатлар, кўнгироклар овоз беришчилар бунинг аҳамиятини чуқур хис этаётганликларидан далолат бериб турибди.

Отам собиқ шўро даврида 45 йил пахта өтиштириб, қадр топмади, - дея қунобни ҳоким қилади

бухороллик Шодмонкул Усмонов. - Кунларнинг бирида саркорми район раҳбарлари йўқлаб, эртагаёқ пахта йиғим-теримига киришиш лозимлигини ўқитиришган. Шунда отам остки кўсаклар этилмаган, теримга киришсак, камидда 1,5 центнер ҳосил йўқотамиз, деб эътироз билдириб туриб олади. Шундан кейин уни холи-жонига қўйишмайди. Охир-оқибат умрини пахтачиликка бағишлаган инсон сеvimли касбини ташлашга мажбур бўлади. Замин меҳри уни қайноқ меҳнатга қайта чорлайди. Кекса дехқон ташландиқ ерни овоз қилиб, ажойиб узумзор барпо этди. Қарангки, мутасаддилар бизга винобоб узумлар кўрак эмас, деб боғни ҳам йўқ қилишди. Шунда отам: «Уз ерингда

хор бўлиб яшасанг, ҳеч нарсага ҳуқуқинг бўлмас, бу қандок ҳаёт бўлди?» дея қаттиқ қунонди. Лекин, яхши кунлар келишини умрининг охиригача интиқ кутди.

Отам орзу қилган кунлар бизга, унинг фарзандлари, неварачевараларига насиб этди. Истиклол шарофати билан фермер бўлдик, ўз еримизнинг ҳақиқий хўжайинига айландик. Энди бизга ҳамма ҳавас қилади. Референдумда қатнашиш шарафига мушарраф бўлганимизни алоҳида кетган оталаримиз орзусининг ушалиши деб биламан. Оиламиздан ўн киши 27 январь кунини бир тану бир жон бўлиб, сиёсий тadbирда фаол иштирок этади.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча туманларида, меҳнат жамоаларида, илм масканларию, муассасаларда, маҳалларда фуқаролар ўз хоҳиши-иродаларини эмин-эркин билдиришлари учун барча шароитлар яратилган. Овоз бериш қоғида холислик, ошкоралик ва қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқандда 802 та референдум ўтказувчи участка комиссиялари фаолият юритмоқда, - дейди вилоят округ комиссияси раиси Рустам Холмуродов. - Яқинда вилоят халқ таълими бошқармасининг участкаларини телефон алоқаси билан таъминлаш ҳақидаги ҳисоботи тинлланди. Шундан сўнг, мавҳуд 802 та участкадан 581 таси телефон, 72 таси уяли телефон, 82 таси радиотелефон алоқаси билан таъминланди. Энг олисдаги иккинчи участкага эса максус транспорт ажратилди. Самарқандда жамма овоз беришчилар 1 миллион 418 минг 803 кишини ташкил этади.

Биз референдум қай йўсинда ўтиши ва унинг пировард натижаларига қараб, жаҳон афкор оммаси кўз ўнгига катта имтихондан ўтамиз. Демак, сиёсий тadbирга муносабат, ҳар битта овоз гоёта аҳамиятlidir.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш гоёта уринли: «Барқарор, мустаҳкам тизимларда фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўйбга кикариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳоли ўзини илтибор қилишида профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенгроқ иштирок этади».

М. ҚАЮМОВ.

«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИГА ШАРҲ

Республиканинг мустақил ривожланиши шароитларида давлатнинг, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари, корхоналарнинг саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини умуммиллий устувор ижтимоий мақсадларга эришишга бirlаштириш эзгу анъана бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.

Давлат қадрлаш йилининг давлат ва жамият томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишини янада оширишга доир аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилишига қаратилган.

Давлат дастури Олий Мажлис томонидан маълумланган 2002-2003 йилларда Аҳолининг ижтимоий ҳимоюга муҳтож қатламларини аниқ йўналтиришга тарзда қўллаб-қувватлаш дастури билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ ҳамда давлат тузилмалари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг, жамоат ташкилотларининг («Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқаларнинг) тақлифларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат дастури беш бўлимдан иборат. Улардан ҳар бири қуйидаги мақсадга қаратилган ва аниқ тadbирларни ўз ичига олади:

қарияларни қадрлашдан иборат халқимизга хос асрий анъаналарни ёритишда, улардан тарбиявий мақсадларда фойдаланишда оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ролинни ошириш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон авиация ходимлари касба уюшма Марказий Кўмитаси



**Мармоқ ходимлари
ва мутахассисларини
ҳамда фахрийларини
«Ўзбекистон ҳаво
йўллари» миллий
авиакомпанияси
ташкил этилганлигининг
10 йиллиги муносабати
билан самимий
туборакбод этади.**



ЧўЛАРА ЧОЙХОНА

Умумхалқ референдуми арасида Конимех туманидаги Абай номи наслчилик ширкат хўжалиги аҳли ўзига хос тухфа олди. Чўлда биринчи бор қариялар чойхонаси очилди. Тантаналарда нафақат овул ва фермалардаги чорвадорлар, балки вилоят ва туман раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, Боймурод овули қиёфаси кейинги йилларда батамом ўзгариб кетди. Турли маданий-маиший бинолар, ҳатто фавворалар вужудга келди.

Овулга кираверишдаги оқиш мармарлар билан қопланган бу мўъжаз чойхона энди қарияларнинг энг севимли масканига айланади.

«Қариялар» Я.САРИЕВ.

ҚАНОТЛИ ТУЛПОРЛАР ҲАМ ҲАММИЗ

Ҳаммамиз болалигимиздан Гўрўгли ва Ал-помииш, Рустам ва Равшан дostonларини ўқиб, вояга етганмиз. Қарангки, ўша пахлавонларнинг тулпорлари қанот чиқариб ўчишган. Яна бир жихати отлар у ёки бу сабаб билан Паракана давлатидан сотиб олингани ёки бўлмаса, тухфа сифатида келтирилгани айтилади.

Хитой ёзма манбаларининг гувоҳлик беришича, Паракана давлати (ўша манбаларда Довон деб юритилган) аслида Фарғонадир. Хитой тарихининг ёзишича, «... Милоддан аввалги II

Жасур ўғлонлар йўлдоши

асрда Паракана мустақил давлат эди. 104-105 йилларда Хитойликлар Параканани икки бор босқин уюштиришган. Дастлаб ҳимоячилар қаршиликни енга олишмаган. Иккинчи марта Эрши шахрини (Аравон қишлоғи яқинида) қамал қилишган. Сўнг бир неча ўнлаб «Самовий дулдўлар» ва 3 мингта бошқаларни солиқ сифатида олиб жўнаб кетишган. (Ўзбекистон халқлари тарихи, 46-бет. «Фан» нашриёти. Тошкент, 1992 йил.)

Ха, қадимда Фарғона водийсида отларнинг ана шундай зотлари кўпайтирилган. Улар ноёб ва қимматбахо саналган. Яна бир далил: «Авесто»да Турон заминида милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида йилқичилик гоятда ривожланган. «Асп»-от тасвири ўша давр санъат асарларида ҳам эътироф этилган. «Авесто» қаҳрамонларининг исмларида ҳам (Виштасп, Аурвасп ва бошқалар) бу сўз учрайди.

Афсоналарда айтилишича, қанотли отлар одамни кўрди дегунча осмонга кўтарилиб кўздан ғойиб бўлишаркан. Бундан хабардор бўлган чўпонлар «самовий отлар»ни кўлга тушириш учун тузоқ қўйишаркан. Аммо отлар зийраклик, сезувчанлиги боис қўтилиб кетадилар. Чўпонлар шунда ҳийла ўйлаб топшишди. Ҳар кун азонда зотдор бияларини булоқ бошига тушувлаб кетадиган бўлишди. Қанотли отлар яна учиб келишди ва...

Кўнлар ўтиб биялар болалабди. Тойчоқлар долариға хабар беришди. Юқориде келтирилган тарихий воқеа ушбу афсонада маълул даражада ҳақиқат бор, деган хулоса чиқариш имконини беради. Хуллас, отларимиз тарихи билан боғлиқ. Юрт бойлиги ҳисобланган зотдор отлар турли даврларда босқинчилар томонидан таланди, олиб кетилди. Савдо йўли билан бошқа давлатларга сотиб юборилди. Отлар «давлат монополияси» деб юритилган турғунлик йилларида улар фақат транспорт воситаси сифатида ишлатилди ёки умуман, йўқолиб кетиш даражасига келиб қолди. Мустақиллик туфайли яна оддий фуқаро ихтиёрида отлар пайдо бўлди ва унга эътибор тобора ортиб бормоқда. Ахир, қадимда от йигитнинг йўлдоши сифатида тан олинган. Зеро, тарихдан биламизки, юртни ёв босганда эр йигитлар от миниб, қилич ўйнатаиб уни маҳв этишган. Жалолддин Мангуберди ҳайқиб оқаётган дарё тўлкинлари узра отини сакратиб мўғул босқинчилари қуршоидан қутилиб нариги соҳилга ўтиб кетганида жангчи узокдан кузатиб турган Чингизхон унинг шерюраклигиға ва отига тан берган эди.

Ха, техника ҳар қанча тараққий этмасин, тулпорларнинг ўрни, аҳамияти ўзгача. Улар ҳамиша мард ва жасур ўғлонларимизға йўлдош бўлиб, баҳодирлик ва жасорат сари ундаб турадилар.
О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

БИОЛОКАЦИЯ УСУЛИ

«Биолокация» атамасининг луғавий маъносига борлиқ (хисм) билан уни сезувчи асбоб ёрдамида мулоқот қилиш демақдир.

Қадим замонларда Юнонистон, Рим мамлакатларида токнинг айри новдаси ёрдамида ер ости бойликларини топши усули қўлланилган. Ҳозирги даврга келиб, экстрасенслар, олимлар шу мақсадда металдан тайёрланган биорамкани қўллаб, ер ости бойликларини, кўчадаги, уйдаги ёки ҳовлидаги бехосият жойлар, ер тагида қолиб кетган нарсалар, газ, нефт, сув қувурларини шикастларини топшиға муваффақ бўлишмоқда. У, шунингдек, экстрасенсларнинг қанчалик биоқуввати борлиги, беморлар қайси касалликка чалинганлиги, қайси жойларда Куёш таъсирида вужудга келадиган қучли нурранишлар, ноёб қобилиятларни аниқлаш, археологик қазилмаларида ер остидан иншоотларни топши, ер остидаги сув хавзаларини излаш, геологик қазилмаларни ахтарिश борасида ҳам катта ёрдам бериши мумкин.

Бу соҳани мукамал билиш учун, албатта, пухта тайёргарлик лозим. Бу қобилиятға ҳамма эга, аммо сезувчанлиги юқори бўлган шахсларда бу усул кўпроқ натижа беради.

ХУШХАБАРНИНГ ҚАНОТИ БОР, ДЕЙДИЛАР. ҲАММИЗ ҲОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШИНИ ЭШИТГАН ОНА Тарадулланиб қолди. Поезд бир маромда тебранар, кунпедаги ҳамроҳлари аллақачон уйкуға кетган бўлса-да, Маҳфуза опа ўғлини тезда бағриға бошиб, тўйиб-тўйиб сўхбатлашишни дилиға тўқканча, ўйиб толиб ўтирарди. Пиёладаги соғув қолган чойдан хўплар экан, кўз ўнгидан бир ярим йиллик айрилиққа чидаши кино лентасидек ўтди. Шу алфозда тонг оттирди.

Она-бола дийдорлашдилар. Қўловлар, табриқлар ўғил шарафиға бўлди. Мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган Умиджон ниҳоят иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси вакили сифатида Буюк Британиянинг Абердин шаҳридаги Роберт Гордон университетига йўл олди.

— 1999 йилнинг 24 августи мен ва оила аъзоларим учун унутилмайдиган кун бўлди, — дейди Умиджон Ашуров. — Шу кунни пойтахтимиздан Лондонга парвоз қилиб магистратурада ўқишни давом эттиришға киришдим. Асет-менеджмент йўналиши бўйича магистр бўлиб қайтдим. Эндиликда мустақил республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган «Шўртангазкимё» мажмуасида меҳнат қиламан.

...Қарши туманидаги «Сахтапийёз» қишлоғида туғилиб вояга етган Умиджон ёшлигидан ўқишға, илм-фанға қизиқди. Тинмай ўқиди, изланди. 1994 йилда туманидаги Мирзо Улуғбек номи умумий ўрта таълим мактабини муваффақиятли тугаллаган ўсмир Қарши муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳининг нефть ва газ қонларини ишлаш куллийтига энг юқори балл тўплаб ўқишға кирди. — Умиддаги гайрат-

Иқтидорли ёшлар — келажакимиз

шижоатни барча ёшларимизда кўришни истайман, — дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси Замира Дўстобоева. — Унга ўхшаш ёшлар келажакка мустақкам пойдевор қўядилар. Ҳам-бўлиб ўтган оилани фаёз-баракат ҳукмирон. — Келиним ҳам талаба. Қарши Давлат университетида таҳсил олади, — дейди Маҳфуза опа. — Тўнғич қизим Машхураҳон эса ўқитувчи.

қелади. Фарзандларининг чуқур билим олишларига қулай шарт-шароит яратиб берган ота-онанинг қувончи чексиз. Тузини оқлаган фарзандлари камолини кўришдан ҳам чексиз бахт борми, ахир?

— Ўқишни давом эттириш ниятидаман, — дейди Умиджон. — Зеро, биз ёшларға яратиб берилган қулайликлардан ўз ўрнида фойдаланишимиз лозим.

Дарвоқе, Умиджонни бемалол дам олиб ўтирган ҳолда деярли учратмайсиз. Иш, изланиш, учрашувлар... Ана шундай мулоқотлар яқинда тумандаги Мирзо Улуғбек, Ойбек, Обид Содиков номи ўрта умумтаълим мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳузуриде бўлди. Қизгин мунозаралар остида ўтган учрашувлар ёшларнинг ўқишға, фан сирларини мукамал эгаллашға бўлган иштиёқларини янада ошириб юборди.

Шавкат Султон,
«Ишонч» муҳбири.
Суратда: Умиджон Ашуровни туман халқ таълими бўлими хорижий тиллар услубчиси Замира Дўстобоева эришган муваффақияти билан кутламоқда.



мадаги Мирзо Улуғбек номи умумий ўрта таълим мактабини муваффақиятли тугаллаган ўсмир Қарши муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳининг нефть ва газ қонларини ишлаш куллийтига энг юқори балл тўплаб ўқишға кирди. — Умиддаги гайрат-

касбларимнинг берган билимлари зое кетмаганидан хурсандимиз. Умиджон Ашуров вояга етган хонадондамиз. Ҳамма жой саражом-саришта. Остонадан қадам кўйишининг билан оила бекаси Ҳаётхон очик чехра билан қаршлайди. Яқиндагина никоҳ тўйи

Мавжудахон руҳшунос-муаллима. Маҳмуджоним Низомий номи Тошкент Давлат Педагогика университетини бу йил битиради. Тўрт ўғил-қизнинг, олти набиранинг бобоси ва бувиси бўлган Мансур ака ва Маҳфуза опаларға ҳаммининг ҳаваси

МУРУВВАТ ҲАМ ҚУНЛИГИ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобига маблағ тўплаш ўн кунлиги давом этмоқда. 1 февралдан буюм этакдан мазкур тадбирда пойтахтнинг барча туманларида оммавий тадбирлар, театр томошалари, спорт мусобақалари, семинар, концерт ва хайрия мара-

фонлари бўлиб ўтаётир. Ўн кунликдан тушадиган маблағ кенгаш амалга оширадиган эғзу ишлар кўламини янада кенгайтириш, «меҳр-шафқат» ҳамшираларини тайёрлаш, дори-дармон, тиббиёт асбоблари харид этиш, шунингдек, кўнчилиларға табиий офатларда ён атрофидоғиларға биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини ўқитиш ишларига сарфланади.

“ЭРТАҚДАГИ ДАРЁ”

Жиззахда театр кўнлари бўлиб ўтмоқда. Вилоят кўгирчоқ театри жамоаси шаҳар ва туманлардаги мактаб ҳамда лицей ўқувчилари ҳузурда бўлиб, болаларға севиноч улашмоқда. Театр жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Оҳанглар жилоси», «Эртақдаги дарё» сингари қувнок спектакллар ўқувчиларға айниқса манзур бўляпти.

(ЎзА).

Фирибгардан сақласин

— Мендан лотерея олган танишларим пулини берса, ўзимдагини қўшиб...
— Уларнинг исм-шарифларини, яшаш жойларини биласизми ўзи?
— Исмларини биламан, холос.
— Шартнома тузиб ё бирор тилхат олиб берганимиз ишқилиб?
— Йўқ.
— Билиб қўйинг: 7

22 августга топшириши керак эди. Шартнома муддати ҳам, 2001 йил ҳам ўтиб борар, бирок чипта пулининг 3 миллион сўмидан дарак йўқ эди.
— Лотереяни сотганимиз?
— Ҳаммадан олдин сотиб бўлганман.
— Пули қани?
— Хотинимда.
— Хотинингиз қаёқда?
— Уйда. Лекин у ҳам ло-

ёлғиз ўзи билади, холос. Ж.Мамажонов, А.Аҳмедов, М.Рустамовларға қўйиб берилса, улар бировларнинг миллион-миллион сўмлик ҳақини лўқмаи ҳалол биллиб, ютиб юборишлари, ҳақдорларға чап бериб юришлари мумкин эди. Лекин қонундан қочиб бўлмади. Ишға Анджион шаҳар прокуратураси билан шаҳар суди аралашиб, улардан қарз пулларни ундиришди ва эгаларига қайтариб беришди.

Ним табассум

ҚАЙТИШГА-ЧИ?
Эр-хотин жанжаллашиб қолишди.
— Сиз билан яшаган мен ўзим аҳмоқман, — дея шанғиллади хотин.
— Бўлди, етар, аввал кетмасам ҳам энди ойимниқига кетаман! Йўл кира беринг!
Ночор қолган эр йўл кира берди. Хотин пулни санаб кўриб, баттар жайли чикди:
— Қайтишга-чи?
ТУЗОҚ
Талаба руҳий хасталиқлар шифохонаси бош ҳақими билан суҳбат орасида беморнинг тузалганлигини белгилувчи мезонлардан бир мисол келтиришни илтимос қилди.
— Масалан, биз ваннани сувға тўлдирмасдан-да, ёниға чой қошиқ билан катта чўмич қўямиз.
Талаба қулиб, ўзича жавобини айтди.
— Ҳар қандай ёс-хуши жойида одам, албатта чўмичдан фойдаланади-да...
— Э йўқ, — деди бош ҳақим. — Эс-хуши жойида одам ванна тагидаги қопқоқни сугуриб олади.

ЛОТЕРЕЯ "ЎЙНИНИ"

танишларига ошириб юборди.
— Сотинглар, mening давримда бир нарсалик бўлиб қолинглар! — керилди у. Ширин бўлмади кўнгүл пулнининг бир феълӣ ёмон: чўнтакка кириши осон-у, чиқиши қийин. Ж.Мамажонов сотган лотерея пулидан 2 миллион 400 миң сўмға яқинини хайрия жамғармаси ҳисобига бир амаллаб топширди, аммо қолганини чўнтакдан сираям чиқаролмади. Бу орада вақт ўтиб борар, жамғарма вакиллари уста-уст кўнғироқ қилишар, икки-уч кишилашиб келиб, 7 миллион сўмға яқин қарзини қисташарди.
— Қачон тўлайсиз?

миллион сўмини бир ой ичида тўламасангиз, судға muroжаат қиламиз! Жалолддин қуюқ вада ва таъба-тазаррулар билан уларни жўнатиб юбориши ҳамон Тошкентдан «Шодийёр-сервис» шўба қорхонаси вакиллари келишарди, «Меҳр-муруват» лотереяси пулини талаб қилишарди... Анджион туманидаги Бобур номи ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Маъруф Аҳмедов ҳам «Аёл бахти» пул-буём лотереясидан бахт излаб, «Шодийёр-сервис»дан тилхат орқали 50.000 та чипта олган, шартномаға мувофиқ лотерея чипталари пулини

ёлғиз ўзи билади, холос. Ж.Мамажонов, А.Аҳмедов, М.Рустамовларға қўйиб берилса, улар бировларнинг миллион-миллион сўмлик ҳақини лўқмаи ҳалол биллиб, ютиб юборишлари, ҳақдорларға чап бериб юришлари мумкин эди. Лекин қонундан қочиб бўлмади. Ишға Анджион шаҳар прокуратураси билан шаҳар суди аралашиб, улардан қарз пулларни ундиришди ва эгаларига қайтариб беришди.
«Хой, чуқварани хом санаган нафс бандалари, — дегинг келади уларға, — наҳотки ноҳақ ишға ривож йўқлигини билмасангиз! Чўнтакка тушган мўмай, аммо бегона пул ҳисобига бир кун ййарсиз, ўн кун ййарсиз, кейин-чи? Ҳаромдан еган нарсангиз эртаға бурнингиздан булоқ бўлиб чиқинини неға ўйлаб кўрмадингиз? Ҳаромхўрлик билан қаергача бора-сиз? Кўчада қандай бош кўтариб юрасиз! Инсоний қадр-қиммат, издат-нафс деган тушунчалардан наҳот шунчалар ййроқлашиб кетган бўлсангиз?»
М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Сўз тагида сўз бор

аниқлаш, археологик қазилмаларида ер остидан иншоотларни топши, ер остидаги сув хавзаларини излаш, геологик қазилмаларни ахтарिश борасида ҳам катта ёрдам бериши мумкин.
Бу соҳани мукамал билиш учун, албатта, пухта тайёргарлик лозим. Бу қобилиятға ҳамма эга, аммо сезувчанлиги юқори бўлган шахсларда бу усул кўпроқ натижа беради.

Биласизми?

ИНТЕГРАЦИЯ НИМА?
«Интеграция» атамаси луғатимизға яқин кўнларда қириб қолган сўз бўлмай, балки унинг замирида фанларнинг ўзаро алоқаси тушунилади ва у фанда, техникада азалдан маълум.
Зеро, интеграциясиз жараённинг ўзи йўқ. Бошқача қилиб айтганда ердаги ҳаёт, сув, инсон, табиатда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг барчаси интегратив жараёнларнинг маҳсулидир. Масалан, оддий сув водород ва кислороднинг ўзаро бирикмасидан ҳосил бўлишини ҳамма билади. Аммо, газси-

КИТОБХОН

— Пенсияға чиқиб олсам, — дея хайлға чўмич деди кир киши, — иккинчи китобимни ҳам охириға етказардим.
— О, зўрсиз-ку! Нима, китоб ёзасизми? — сўради суҳбатдоши қойил қолиб.
— Йўқ, — деди у бамайлихотир. — Мен китобхонман.
А.АЛИЕВ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚИЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишға топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газета 1998 йил II июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилаган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.